BIZNES DAILY

Экономическая газета

Биржа

Иқтисодий газетаси

#98(2876)
16.12.2021

www.biznes-daily.uz

2022 йил учун давлат бюджетига оид қонун маъқулланди

Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлисида “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан 2022 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, консолидациялашган давлат бюджети даромад ва харажатларининг прогнозлари ҳамда 2023-2024 йиллардаги бюджет мўлжаллари белгиланмоқда.

Асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлиги ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини татбиқ этиш мақсадларига қаратилган.

Қонунда солиқ сиёсатига муҳим ўзгаришлар киритилган. Бунда ялпи ички маҳсулотда салмоқли улушга эга ишлаб чиқариш соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш назарда тутилган. Жумладан, 2022 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 6 фоизни, шу жумладан, саноатда 7, қурилиш соҳасида 8,1, қишлоқ хўжалиги соҳасида 3,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдори 2022 йил учун ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгиланмоқда. Бунда бюджет тақчиллигининг чекланган миқдоридан ошишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақатгина қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилган. Инфляция даражасининг пасайиши тенденцияси давом этиши ва келгуси йилда у 9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. 2022 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 254,6 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 30,3 фоизи даражасида прогноз қилинмоқда. Давлат бюджети даромадлари 199,5 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 23,8 фоизи миқдорида белгиланмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 31,9 трлн. сўм, харажатлари эса 58,7 трлн. сўм миқдорида режалаштирилган. Давлат бюджетидан таълим соҳаси харажатларига 46,9 трлн. сўм, соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига 22,8 трлн. сўм, маданият ва спорт соҳаси харажатларига 3,4 трлн. сўм ва фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 1,5 трлн. сўм йўналтириш белгиланмоқда.

Қонун билан кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетидан молиялаштириш тартиби жорий қилинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Бюджетни шакллантиришда маҳаллий кенгашлар ваколатлари янада кенгайтирилиши муносабати билан мамлакатимизнинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Бундан ташқари, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Жумладан, қонунда “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га 1 трлн. 553 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтириш назарда тутилган.

Сенаторлар томонидан давлат бюджети маблағларидан адолатли ҳамда мақсадли фойдаланиш устидан парламент, жамоатчилик назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди ва мазкур қонун маъқулланди.

Давлат мулкини бошқаришнинг ҳуқуқий асоси

Бугунги кунда мамлакатимизда 24 минг 927 та давлат муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 2 минг 285 таси давлат иштирокидаги корхона, барча давлат кўчмас мулк объектларининг 29 минг 428 таси республика, 3 минг 881 таси муниципал мулк ҳисобланади.

Табиийки, ушбу давлат муассасасалари ва кўчмас мулкларини муайян талабларга мувофиқ бошқариш талаб этилади. Таҳлилларга қараганда, амалдаги қонунчилик бўйича давлат мулкини бошқариш соҳаси 8 та қонун, шунингдек, Президентнинг 11 та, Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарори билан тартибга солинади. Бу йўналишда яхлит ёки ягона қонунчилик мавжуд эмас. Бундан ташқари амалдаги қонун ҳужжатларида давлат мулкига эгалик қилиш бўйича аниқ мезонлар кўрсатилмаган, давлат мулкини бошқариш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш талаби белгиланмаган. Шу билан бирга 2 минг 286 та давлат иштирокидаги корхона 73 та турли давлат ташкилоти ва назорат қилувчи функцияларга эга органлар томонидан бошқарилади. Бу каби ҳолатлар мазкур соҳани ислоҳ қилиш ҳамда ягона қонунчилик асосини яратиш заруратини келтириб чиқарди. Ўз ичига 9 та боб ва 61 та моддани қамраб олган “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Яқинда мазкур қонун лойиҳаси парламент қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда муҳокамадан

Давоми 2-бетда.

БАНД АҲОЛИ – БЎЛАЖАК МИЖОЗ 2

МАҚСАД - ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 3

РЫНОК НЕФТИ ЖДУТ НОВЫЕ ПОТЕРИ 7

ПРЕЗЕНТАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ПАВИЛЬОНА 8

Курс валют на 16.12.2021

USD	10830.15
EUR	12207.75
RUB	146.74
CNY	1701.22

Банд аҳоли – бўлажак мижоз

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Президент қарори ижроси таъминланмоқда. Бу жараёнда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Хўжаобод туманидаги “Қурама” МФЙда янги иш ўринлари яратиш мақсадида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш лойиҳаси банкнинг тегишли филиали томонидан молиявий қўллаб-қувватланди. Ушбу маҳаллада жойлашган “ANVAR LIDER TEX” МЧЖга юқоридаги мақсадлар учун 2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ўз навбатида, корхона томонидан маҳалладаги 50 та хонадонга тикув машиналари тарқатилди. Айни пайтда турли сабабларга кўра ишлай олмайдиган, аммо меҳнатга лаёқатли шунча хотин-қиз оила шароитида қўшимча даромад қилиш имконияти яратилди.

– Лидер тадбиркор сифатида танлаб олиндик ва яна 50 та иш ўрни яратдик. Корхонамизда мавсумий кийим-кечаклар тайёрланади. Айни пайтда эркаклар либослари тикилмоқда. Тикувчиларнинг ўртача маоши 2,5-3 млн. сўмни ташкил этади, – дейди “ANVAR LIDER TEX” МЧЖ раҳбари Иқболжон Останаев.

Айни пайтда Россия, Украина ва Қозоғистон Республикаларига ойига 40 минг дона махсулот экспорт қилмоқдамиз. Қисқа вақт ичида 230 минг АҚШ долларига тенг экспортни амалга оширдик. Бу кўрсаткични йил якунига қадар 400 минг АҚШ долларига кўтариш режа қилинган.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш устида иш олиб бораяпмиз. “Қурама” МФЙ ҳудудида янги бино фойдаланишга топширилади. Бу яна 300 та янги иш ўрни яратиш имкониятини беради.

Барча лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ қилишда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Хўжаобод филиали томонидан кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутмоқда.

Санамой Каримова Хўжаобод туманидаги “Қурама” МФЙ, Узумзор кўчасида истиқомат қилади. Ёш болали бўлгани боис, мунтазам равишда корхонага қатнаб ишлаш имконияти мавжуд эмас. “Лидер тадбиркор” лойиҳаси Санамой каби 50 нафар аёлларнинг рўзғорига барака олиб кирмоқда.

– Мен аввал ҳам тикувчилик корхонасида ишлаганман. Тажрибам бор, аммо турмушга чиққанимдан кейин оилавий шароит тақозоси билан қатнаб ишлаш имконим бўлмади. Ҳозир эса, корхона томонидан уйимга тикув машинаси олиб келинди. Ҳар куни эрталаб хом ашё тарқатиб кетилади маҳаллага. Уни олиб қолиб, кечгача тикиб, тайёрлаб қўяман. Дастлабки 10 кунда 1 млн. 200 мингдан ортиқроқ иш ҳақи олдим. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши мен каби кўплаб қўшниларим, опа-сингилларимнинг қўшимча даромад манбаи топишимизга замин яратди.

Қувонтиргани, бизга берилган тикув машиналарини ойлик даромадимиздан қисман ушлаб қолиш асосида, муайян вақтдан сўнг ўзимизда қолиши бўлди. Албатта, бу касаначилик ортиқдан мунтазам даромад қилиш имкониятимизни оширади.

Уй ишларидан ортиб, бўш вақтимизда ҳам даромад қилаётганимиз турмушимиз янада яхшиланишига қўшган ҳиссамиз, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизга биз каби турли шароитларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратаётган эътибори учун миннатдорчилик билдираман.

Умуман, лойиҳа асосида Санамой каби 50 нафар касаначилар ва корхона ишчилари тмонидан бир кунда 966 дона, бир ойда 24 166 дона, йилига эса, 290 000 дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари “Лидер тадбиркор” лойиҳаси бўйича туманнинг “Тош ота”, “Тўраобод”, “Фақирқишлоқ”, “Янги Фарғона” каби МФЙларида янги иш ўринлар яратиш мақсадида, тикув дастгоҳлари ҳамда хомашё маҳсулотлари сотиб олиш учун 3 ойлик имтиёзли давр билан, 36 ой муддатга 10 фоиз устама тўлаш шарти асосида, жами 8 млрд. (ҳар бир МФЙга 2 млрд.дан) сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан, МФЙларнинг ҳар бирида 40 тадан жами 160 та янги иш ўринлари яратилди.

С. Хожисултонов – “Қишлоқ қурилиш банк” Хўжаобод филиали бошқарувчиси:

– 2021 йил 15 март ҳолатига филиалнинг жами мижозлар сони 12 292 нафарни ташкил этиб, шундан 7 563 нафари жисмоний шахслар, 1 296 та хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг 520 нафари юридик шахс, 751 нафари якка тартибдаги тадбиркор, 6 нафар ташкилот, 19 нафар уюшма ва ширкатлар ҳисобланади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан филиал мижозлари умумий сони 1 158 тага ўсишига эришилди.

Филиал кредит қўйилмалари 2021 йил 15 март ҳолатига 267 милиард 660 миллион 141 минг сўмни, яъни, филиал жами активларнинг 93,1 фоизни ташкил этади.

Жами кредит қўйилмалар 2020 йил 1 январь ҳолати билан солиштирилганда ушбу даврга нисбатан 75 миллиард 780 миллион 780 минг сўмга кўпайган.

2018-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президиентининг ПҚ-3777 ҳамда ПҚ-4231-сонли қарорлари ижроси доирасида “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастуридан келиб чиқиб, 837 (саккиз юз ўттиз етти) нафар фуқароларга ўз хонадонларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун жами: 14 млрд. 813 млн. 816 минг сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Бунинг замирида 3000 дан зиёд фуқаро доимий иш билан бандлиги таъминланган.

Филиал томонидан лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали туман иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига мунтазам равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўз навбатида, аҳолини рози қилиш, юртимиздаги инсонпарварлик сиёсатидан келиб чиқиб, ночор оилаларга кўмак кўрсатиш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ҳам мунтазам диққат марказда бўлиб турибди.

Банк ахборот хизмати.

Давлат мулкини бошқаришнинг ҳуқуқий асоси

Бошланиши 1-бетда.

ўтказилиб, концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Қонун лойиҳасида акс эттирилаётган нормаларга тўхталиб ўтсак. Энг аввало, унда давлат мулки, улуши, муассасаси, унитар корхонаси, давлат иштирокидаги корхона, вакили, давлат мулки реестри, оператив бошқариш ҳуқуқи, хўжалик жамияти каби тушунчаларга таъриф берилган. Давлат мулки республика ва муниципал мулкларга ажратилган ҳолда уларга қандай мулклар кириши қайд этилган. Давлат мулкини бошқаришнинг асосий принциплари келтирилган. Улардан бирида қайд этилганидек, давлат мулкини бошқаришда соғлом рақобатни ривожлантириш учун тенг шароитларни яратиш, давлат иштирокидаги корхоналар ўз хўжалик фаолиятини нодавлат юридик шахслар билан тенг шароитларда амалга ошириши, уларга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бермаслик кўзда тутилган.

Давлат мулки объектлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, давлат муассасалари, шу жумладан, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бошқарилади. Масалан, Давлат активларини бошқариш агентлиги, жумладан, бу соҳада ягона давлат сиёсатини юритади, давлат мулки реестрини юритади, давлат муассасалари, давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкидан фойдаланиш қоидалари ва уларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди. Давлат муассасалари ва ДУКларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини самарали фойдаланиш мақсадида олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади. Давлат улуши, шу жумладан, чет элда жойлашган корхоналар устав фондидаги улуш бўйича акциядор, иштирокчи (муассис) функцияларини амалга оширади. Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарувнинг қоидаларини тасдиқлайди. Белгиланган тартибда давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи раҳбарларини тайинлашни (танлов ўтказилишини, сайлашни) ташкил этади. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик жараёнлари мониторингини юритади.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни ошкор қилишга оид моддасида ёзилишича, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили 1 августга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги йиғма ҳисоботни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ва ўз веб-сайтида эълон қилади. Ўз навбатида, давлат муассасалари, шу жумладан, давлат органлари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар ҳар йили 1 июлга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги йиғма ҳисоботни шакллантириш учун маълумотларни агентлик томонидан белгиланадиган шаклда тақдим этишади. Қонун лойиҳасининг бошқа моддасида кўрсатилганидек, давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги маълумотлар барча учун очиқ ҳисобланади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, давлат муассасалари, шу жумладан, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтида эълон қилинади (ошкор этилиши тақиқланган маълумотлар бундан мустасно).

Шу кунларда қонун лойиҳасини маромига етказиш, депутатлар томонидан билдирилган таклиф-тавсиялар асосида янада такомиллаштириш устида қизғин иш жараёни давом этмоқда.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

Ҳисоб-китоб операциялари хатари минималлаштирилади

Парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Унга кўра, мамлакатимиз капитал бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозлар савдо натижалари бўйича ҳисоб-китоблар (қимматли қоғоз ва пул маблағларида) битта ташкилот доирасида амалга оширилади ва инвесторлар учун шароит яратилади. Шунингдек, хорижий марказий депозитарийлар ва халқаро ҳисоб-китоб депозитарийлари билан Ўзбекистон капитал бозори иштирокчиларининг ҳисоб-китоб операциялари бўйича тўғридан-тўғри алоқаси ўрнатилади. Шу билан бирга, лойиҳа асосида акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган дивидендларни қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси орқали ўтказиш амалиёти жорий қилиниб, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган ҳолда, капитал бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозлар савдо натижалари бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоб операциялари хатари минималлаштирилади.

Қонун лойиҳаси билан давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши таркибида аудит қўмитаси ташкил этилиши, мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик соҳаларга оид айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи (олтин акцияни) бекор қилиниши, ижро этувчи орган ва кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини бир йилдан уч йилгача узайтириш, давлат иштирокидаги корхона акцияларининг (улушларининг) камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорларга (иштирокчиларга) асослар мавжуд бўлган тақдирда, корхона молия-хўжалик фаолиятини корхона ҳисобидан навбатдан ташқари ташқи аудитдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Лойиҳа депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Мақсад – импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишини таъминлашда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимиздаги Ўзэкспомарказда ўз ишини бошлаган республика тармоқлараро саноат ярмаркаси айни шу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан йирик саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилди. Унда жами 1 137 та тармоқ ва ҳудудий корхона, шундан 338 та корхона ўзи ишлаб чиқарадиган 2 260 та маҳсулот турлари билан иштирок этмоқда. Энг муҳими, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари хом ашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материалларга бўлган эҳтиёжи тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдимот намойиш қилиш, пировард натижада кооперация муносабатларини ўрнатиш имконига эга бўлишади. Шунингдек, зарур техник-иқтисодий асослар ва импорт таҳлили асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича манзилли инвестициявий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, тадбир давомида тадбиркорлар эътиборига ҳавола қилиниши мўлжалланган.

Янгича форматдаги ярмарканинг расмий очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда кооперация алоқаларини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 17 ноябрдаги 14-сонли қарорига асосан очиқ рақамли экотизимга ўтилмоқда. Мазкур экотизим, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар учун ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда янада қулайлик ва шароитлар яратишга йўналтирилган. Бинобарин, марказлаштирилган электрон логистика орқали тадбиркорлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда товарларни етказиб бериш имконига эга бўлишади. Шунингдек, ташқи бозорларга товарларни етказишда ташқи тўлов тизимларидан ҳамда тўлов мажбуриятлари бажарилишини кафолатлайдиган "эскроу" механизмидан фойдаланилади. 2024 йил 1 январга қадар рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформалари учун фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади. Ўтиб бораётган йилда ярмарка тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ўтказилди. Ҳудудий ярмаркалар доирасида Электрон кооперация портали орқали саноат маҳсулотлари савдоси бўйича қиймати қарийб 4 трлн. сўмлик 2,6 мингта шартнома имзоланди. Аҳамиятлиси, ушбу ярмаркалар доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган 973 та лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Республика тармоқлараро саноат ярмаркасининг эса ўзига хос томони шундаки, эндиликда нафақат мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатишга, балки импорт ўрнини босувчи янги лойиҳаларни амалга оширишга асосий эътибор берилади. Бу мақсадга эришиш учун ҳозиргача маҳсулотлар импорти чуқур таҳлил қилиниб, республикада маҳаллийлаштириш имкони мавжуд бўлган маҳсулотлар гуруҳлари шакллантирилди ва уларни ишлаб чиқариш бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган тайёр инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ярмарка доирасида юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган инвестиция таклифлари бизнес олами вакилларига батафсил етказилишини таъминлаш мақсадида тегишли тармоқлар тақдимотлари ташкиллаштирилади. Эндиликда импортни оптималлаштириш ишлари божхона божларини ошириш йўли билан эмас, балки замонавий инструментларни қўллаган ҳолда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали олиб борилади. Яъни, ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирган тадбиркор билан манзилли иш йўлга қўйилади. Бу каби чора-тадбирлар мамлакатимиз саноатига ижобий таъсир этиб, қўшимча иш ўринларини яратиш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, янги турдаги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштириш, кичик тадбиркорлик субъектлари, айниқса энди фаолият бошлаган корхоналар маҳсулотлари учун бозор топишга кўмаклашади.

Тадбирнинг биринчи кунида кончилик, металлургия, геология, кимё саноатига бағишланган тақдимотлар бўлиб ўтди, мазкур тармоқларга мансуб корхоналар маҳсулотлари намойиш этилди.

Руслан Азизов – "Жиззаххимпласт" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона бош директори ўринбосари: – Корхонамиз ташкил топганига қарийб уч йил бўлди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, бизнинг қўшма корхона сифатида иш бошлашимизга Президентимизнинг бундан 4 йил илгари биринчи халқаро анжуманда чет эллик инвесторларга қарата Ўзбекистон иқтисодиёти очиқ, бизнес қилиш учун кенг имкониятлар, қатор имтиёзлар берилаётгани ҳақида қилган чорлови асос бўлиб хизмат қилган. Яъни, шу тадбирдан кейин россиялик инвестор Иван Сластенин биринчилардан бўлиб бу чақириққа жавобан ташаббус билан чиқиб, Жиззахга ташриф буюргач, ҳамкорликда ушбу корхонани очганмиз. Фаолиятимиз полипропилен ва полиэтилендан маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Кимё ва нефтьгаз саноати учун керакли бўлган ҳар хил ҳажмдаги қувурлар, турли ҳажмдаги цистерналар ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз ичида сульфат ва азот кислотаси сақланадиган цилиндрларнинг полипропилен ва полиэтилен билан қоплангани боис чидамлилик даражаси ўрта ҳисобда 25 йилни, узоғи билан эса 50 йилгачани ташкил этади. Ярмарканинг биринчи кунидаёқ шу маҳсулотларимизга нисбатан билдирилган катта қизиқиш бизни қувонтирди. Бундан ташқари, балиқ хўжаликлари учун асқотадиган 1, 2,5, 5 ва 10 тонналик ҳовузларга талабгорлар кўплигини кўрдик. Буни мамлакатимизда балиқчилик соҳасига берилаётган эътибор туфайли шу йўналишдаги тадбиркорлар сони ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Яна шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, сульфат кислота цехидан чиқадиган газларни ўтказиб берувчи мосламамизга харидор топилди ва у билан тегишли шартномани тузадиган бўлдик. Умуман олганда, биринчи куннинг ўзидаёқ 10 дан зиёд корхона томонидан техник буюртмалар берилди. Эндиликда ушбу буюртмалар асосида тегишли лойиҳаларни тайёрлашга киришамиз. Бундан ташқари, яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий ярмаркада имзоланган бир қатор шартномалар бўйича лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш арафасида турибмиз. Ярмарка павильонларини кузатиб айтиш жоизки, чет элдан импорт қилиб келтирилаётган маҳсулотларнинг деярли ҳаммасини ўзимизда тайёрлаш имконияти бор. Барча ишлаб чиқарувчиларни бир жойда жамлаган ярмарка эса мавжуд салоҳиятни бирлаштириш, ўзаро тажриба ва маҳсулот алмашишда фойдали майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

18 декабргача давом этадиган ярмаркада енгил саноат, энергетика, нефтегаз, электротехника, машинасозлик, қурилиш материаллари, заргарлик, транспорт, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш йўналишларига оид тақдимотлар ташкиллаштирилиши, ушбу тармоқларда инновацион лойиҳалар ва уларни молиялаштириш масалалари муҳокама этилиши кўзда тутилган.

Замира ТОЖИЕВА.

Ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш тартиби

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими юридик шахсларнинг шахсий карточкалари очиш, солиқ ҳисоботларни қабул қилиш, ортиқча тўловларни бошқа солиқ туридан мавжуд солиқ қарзи ҳисобига қоплаш ёки ҳисоб рақамига қайтариш юзасидан қилган мурожаатини кўриб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш ва ҳужжатларни тегишли тузилмага етказиш сингари қатор вазифаларни амалга оширади.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими Ўта йирик солиқ тўловчилари маъмуриятчилиги шўъбаси бошлиғи Орифжон Жавгаров билан ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш бўйича белгиланган тартиблар ҳақида суҳбатлашамиз.

— Дейлик, корхона савдо фаолияти билан шуғулланади. Сотилган товарлар учун корпоратив банк карталари орқали тўлов қабул қилинганда ҳисобварақ-фактура қандай расмийлаштирилади?

— Товарларни етказиб берувчи томонидан товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда, битим шартлари ўзгарганда, шу жумладан, жўнатилган товарларнинг, кўрсатилган хизматларнинг нархи ва сони (ҳажми) ўзгарганда, товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан чегирмалар берилганда реализация қилинган товарларнинг етказиб бериш қийматига уни кўпайтириш ёки камайтиришга қаратилган тузатиш киритилган тақдирда, ушбу товарларни олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади. Бундан ташқари, битим шартлари ўзгарганда, шу жумладан, жўнатилган товарларнинг, кўрсатилган хизматларнинг нархи ва (ёки) сони (ҳажми) ўзгарганда, товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан чегирмалар берилганда ҳам ҳисобварақ-фактура қайта расмийлаштирилади.

— Маълумки, бугунги кунда солиқ тизимида барча фаолият электрон тарзда амалага оширилади, жумладан, ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш ҳам. Аммо, бирон бир белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактураларни қоғоз шаклда расмийлаштириш мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августда "Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 489-сонли қарорга асосан, солиқ тўловчилар томонидан давлат сирига тааллуқли бўлган хўжалик операциялари амалга оширилганда қоғоз шаклда ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

— Ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш бўйича белгиланган муддатнинг охирги куни дам олиш кунига тўғри келганда уни қандай расмийлаштириш мумкин?

— "Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан, электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш ва қабул қилиш бўйича белгиланган муддатнинг охирги куни қонун ҳужжатларига мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш куни бўлмаган кун деб эътироф этиладиган кунга тўғри келса, дам олиш кунидан ва (ёки) иш куни бўлмаган кундан кейинги иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни деб ҳисобланади.

Солиқлар давлат бюджетини шакллантиришда, уни бошқаришда ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, аниқ, узоқни кўзлаб амалга оширилган солиқ сиёсат мамлакатнинг ободонлиги, тараққиёти ва фаровонлиги гарови.

— Мухтасар ва фойдали жавобларингиз учун раҳмат.

Дилафрўз ҒАЙБИЕВА суҳбатлашди.

BIZNES DAILY

Биржа

#98(2876) 16.12.2021

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

АО СП «DEUTSCHE KABEL AG TASCHKENT»

сообщает, что 28 декабря 2021 года в 11:00 состоится очередное общее собрание акционеров по адресу: г. Ташкент, ул. Янги Олмазар, 51 (4-й эт.), в административном здании общества.

Повестка дня очередного общего собрания акционеров:

1. Утверждение состава счетной комиссии и регламента проведения общего собрания акционеров.
2. Заслушивание отчета Наблюдательного совета.
3. Утверждение отчета исполнительного органа по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2020 год.
4. Утверждение заключений ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности общества за 2020 год.
5. Утверждение годового отчета общества за 2020 год.
6. Заслушивание отчета внешней аудиторской организации по результатам проверки общества за 2020 г.
7. Утверждение распределения чистой прибыли общества за 2020 г.
8. Избрание членов Наблюдательного совета.
9. Избрание членов ревизионной комиссии.
10. Утверждение бизнес-плана общества на 2021 год.
11. Рассмотрение вопроса о продлении трудового договора с председателем правления общества.
12. Определение аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки за 2021 г. о предельном размере оплаты ее услуг и заключении (расторжении) с ней договора.

Дата закрытия реестра акционеров для участия в собрании 23 декабря 2021 года.

Акционеры могут ознакомиться с материалами, подлежащими рассмотрению на общем собрании акционеров, со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Янги Олмазар, 51 (4-й эт.), в рабочие дни с 14:00 до 17:00 до даты проведения общего собрания акционеров.

Вниманию оценочных организаций!

Объявляется конкурс среди оценочных организаций для проведения оценки имущества ликвидируемого в добровольном порядке предприятия ГУП «**1-SON ZARGARLIK KORXONASI**» (ИНН: 201325633). Опечатанные и завизированные конверты с коммерческими предложениями направляются в течение семи дней со дня опубликования настоящего объявления в адрес ликвидационной комиссии: г.Ташкент, Учтепинский район, улица Заргарлик, дом 46Б. Справки по телефонам: +99890-187-91-29; +99897-770-91-29.

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 14 декабрь кунги “Axmadjon Baxtiyor saxovati” FX 4-1504-2003/1852-рақамли, “Qodirov Alijon fayzli yeri” FX 4-1504-2003/1853-рақамли, “Eko green wood business” XK 4-1504-2003/1854-рақамли, “Барокат” ФХ 4-1504-2003/1855-рақамли, “Фидокор” ФХ 4-1504-2003/1856-рақамли, “Урмон Мухаммадиёр файзи” ФХ 4-1504-2003/1857-рақамли ҳал қилув қарорларига асосан соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жорий қилинган. Мазкур қарорлар билан тугатиш бошқарувчиси этиб Жўраев Бахтиёр Махмудович тайинланган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2022 йил 7 январь куни соат 10.00 да Фарғона вилояти Қўштепа тумани ДСИ маъмурий биносида ўтказилади.

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 15 декабрь кунги 4-1504-2003/93-ажрими билан “Odiljonov Zafarbek fayzli kelajak” FXга нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган таомили бекор қилиниб, банкротликнинг умумий таомилига ўтказилиб тугатиш бошқарувчиси этиб Жўраев Бахтиёр Махмудович тайинланган.

Кредиторлар ўз талаблари билан 1 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг низоми, рўйхатдан ўтган гувоҳномаси, думалоқ муҳри, штампи тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тақдим этилмаган тақдирда, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаат учун: (индекс: 150117) Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 56-уй, тел.: 91-117-87-53.

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 9 декабрдаги 4-2001-2105/3991-рақамли ҳал қилув қарори билан Бухоро шаҳридаги “Constructor Bukhara” МЧЖ соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш (суд) бошқарувчиси лавозимига суд бошқарувчи Маматназаров Исоқул Ачилович тайинланган. Ушбу муносабат билан “Constructor Bukhara” МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 12 январь куни соат 10.00 да Бухоро вилояти ДСИ маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Суд бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамиятнинг ушбу кредиторлар йиғилишига ишонч хати ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда кредиторлик қарзи тўғрисида тегишли равишда расмийлаштирилган солиштирма далолатнома билан келишингиз шарт. Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида тугатиш (суд) бошқарувчига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Бухоро шаҳри, Маърифат кўчаси, 35-уй.

Суд бошқарувчи Маматназаров Исоқул Ачилович тел.: 90-744-58-58.

На основании определения Межрайонного экономического суда г. Ташкента от 24 ноября 2021г. по делу №10-1001-2104/17590 **ООО «IKROM AKROM BUSINESS GROUP»** (ИНН 304107961) произошла замена судебного управляющего. Новым судебным управляющим назначена Боянская Т.В. Обращения принимаются в течение одного месяца по адресу: 100047, г. Ташкент, 22 Авиагородок, а/я 1091, тел. +998977449128.

Навоий вилояти Зарафшон туманлараро иқтисодий судининг 06.12.2021 йилдаги 4-2102-2101/331-ҳал қилув қарори билан **“Mebel-Madrid”** (СТИР 307231292) **масъулияти чекланган жамияти** банкрот деб эътироф этилиб, банкротликнинг соддалаштирилган таомили жорий қилинган ва тугатиш бошқарувчи этиб, 1-тоифали суд бошқарувчи М.Эргашев тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан санадан эътиборан бир ой давомида қабул қилинади, жамият муҳр ва бурчак тамғаси эълон чиққан санадан эътиборан 10 кун муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2022 йил 19 январь санаси соат 10.00 да Навоий вилояти ДСБ биноси (манзил: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-б уй) мажлислар залида бўлиб ўтади.

Кредиторлар йиғилиши кун тартибида кўриладиган масалалар:

1. Жамият тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Жамият тугатиш жараёни иш режаси ва кредиторлар талаблари реестри.
3. Жамиятнинг 224-сонли “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари” қарори бўйича хулосаси.
4. Бошқа масалалар.

Мурожаат учун манзил: Навоий шаҳри, И.Каримов кўчаси, 106-а уй, 1-.33.

Тел.: 97-366-78-38.

Утерянный аттестат об общем образовании UM №0273550 (регистрационный номер 63), выданный 21 июня 2019 года средней школой №257 Юнусабадского района г.Ташкента на имя Сайдимуродова Шохруххўжа Шухратхўжа ўғли, **считать недействительным.**

Тошкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2019 йил 17 майда **Сайдимуродов Шохруххўжа Шухратхўжа ўғли** номига берилган D № 0262109 (рўйхат рақами № 063) дипломи ва шу диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ромитан туманида жойлашган:

“Astra-service group” МЧЖ (СТИР 303393830);
“Transfrukt” МЧЖ (СТИР 203317640);
“Hayotobod 777” МЧЖ (СТИР 305174888);
“Romitan-grandm-servis” МЧЖ (СТИР 307761608);
“Euro aziya story mega” МЧЖ (СТИР 305853335);
“Toshqurilishjihoz” МЧЖ (СТИР 300668347);
20 трест МЧЖга қарашли “КМК-9”(СТИР 200976584);
“Elmaster” МЧЖ (СТИР 305794994)лар.

Бухоро вилояти Ромитан туманлараро иқтисодий судининг 07.12.2021 йилдаги 4-2006-2101/2401, 4-2006-2101/2402, 4-2006-2101/2403, 4-2006-2101/2404, 4-2006-2101/2405 4-2006-2101/2406, 4-2006-2101/2407 ва 4-2006-2101/2408-ҳал қилув қарорлари билан соддалаштирилган таомил бўйича банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш очилган.

Ушбу ҳал қилув қарорлари билан юқорида номлари келтирилган корхоналарга суд (тугатиш) бошқарувчиси лавозимига Жўраев Бахтиёр Нарзиевич тайинланган.

Шу муносабат билан корхоналарнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 21 январь куни соат 11.00 да Ромитан тумани ДСИ биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишлар кун тартиби:

1. Корхоналарнинг суд (тугатиш) бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Корхоналарнинг кредиторлар реестирини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, корхоналарнинг ушбу кредиторлар йиғилишига ўз ишончли вакилингизни ишонч хатлари ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда кредиторлик қарзи тўғрисидаги тегишли равишда расмийлаштирилган солиштирма далолатнома билан келишлари шарт.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида тугатиш бошқарувчига мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида номлари қайд қилинган хўжалик юритувчи субъектларнинг думалоқ муҳри ва штампи суд (тугатиш) бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида тақдим этилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Ромитан тумани ДСИ биноси, Ромитан шаҳри, Бухоро кўчаси, 1-уй.

Суд (тугатиш) бошқарувчиси Жўраев Бахтиёр Нарзиевич яшаш манзили: Ромитан тумани, Қумработ МФЙ, 28-уй. **Тел.:** 90-712-93-15.

Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 2 декабрдаги ажримига асосан “Eko-lider-business” МЧЖга нисбатан мазкур суднинг 2021 йил 24 сентябрдаги тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги ажрими янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган, тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Б.Рўзиев тайинланган. Шеробод тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 13 декабрда ушбу МЧЖ юридик шахсларнинг давлат реестрига фаолияти тикланган. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. 2022 йил 17 январь куни соат 9.00да Шеробод тумани ДСИда кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади ва йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиши талаб этилади. **Мурожаат учун тел.:** 93-766-10-07.

Қорақўл туманлараро иқтисодий судининг 06.12.2021 йилдаги ҳал қилув қарорлари билан куйида номлари келтирилган хужалик юритувчи субъектлари соддалаштирилган таомил бўйича банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш очилган.

Т/р	Банкрот деб топилган қарздор корхона номи	СТИР	Иш рақами 06.12.2021
1	“Feruzabonu kamalak” НМТМ	306170244	4-2004-2101/1277
2	“Yoshuzoq beg‘am chorvador” МЧЖ	305092674	4-2004-2101/1278
3	“Spesekspressstroy” ХК	205830153	4-2004-2101/1279
4	“Sardor kapital story servis” МЧЖ	303155564	4-2004-2101/1280
5	“Sanobar shirin taom” ХК	302744615	4-2004-2101/1281
6	“Qarako’l Galabek” ФХ	304656335	4-2004-2101/1282
7	“Jumaboy Muxammadjon savdo” ХК	303405480	4-2004-2101/1283
8	“Javohir savdo plyus” ОК	303476419	4-2004-2101/1284
9	“Islombek Jahon omad” МЧЖ	306510904	4-2004-2101/1285
10	“Fazliddin Abbos teks” МЧЖ	302809667	4-2004-2101/1286

Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 14 январь куни соат 11.00 да Қоракўл тумани ДСИ биносида бўлиб ўтади.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида суд (тугатиш) бошқарувчисига мурожаат қилишлари мумкин.

III-тоифали суд бошқарувчиси Ш.Каримовга мурожаат учун манзили: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 38/2-уй. **Тел.:** 93-625-18-81.

Кредиторларининг 1-йиғилишида кўриладиган масалалар:

1. Суд (тугатиш) бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Қарздорларнинг муҳри ва тамғаси собиқ раҳбари ҳамда таъсисчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 128-моддасига кўра 3 иш кунида тугатиш бошқарувчисига топширилиши шарт. Топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, шу кундан бекор қилинган, деб ҳисобланади.

Денов туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 2 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан **“Sher Class” хусусий корхонаси** ва **“Dovud qurilish business” МЧЖ** банкрот деб топилган, тугатишга доир иш очилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Ш.Сафаров тайинланган. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Юқоридаги корхоналар раҳбарлари ва таъсисчилари муҳр ҳамда тамғаларини 5 кун ичида топширмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади. 2022 йил 17 январь куни соат 12.00 да Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 13-уйда кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиши талаб этилади. **Мурожаат учун тел.:** 99-679-10-57.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 7 декабрдаги ажримига асосан **“Термиз қурувчи монтаж” МЧЖ**га нисбатан мазкур суднинг 2021 йил 2 декабрдаги тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги ажрими янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган, тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Ш.Сафаров тайинланган. Термиз шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 13 декабрдаги 531918-рақам билан ушбу МЧЖ юридик шахсларнинг давлат реестрига фаолияти тикланган. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. 2022 йил 17 январь куни соат 10.00 да Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 13-уйда кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади ва йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ишончнома билан қатнашиши талаб этилади. **Мурожаат учун тел.:** 99-679-10-57.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 6 декабрдаги ажримига асосан “Хўжа-М” хусусий фирмасига нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий қилинган ва муваққат бошқарувчиси этиб Ш.Сафаров тайинланган. Ушбу суд томонидан мазкур банкротлик ишини кўриш 2022 йил 5 январь куни соат 10.00 га тайинланган. 2021 йил 29 декабрь куни соати 9.00 да Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 13-уйда кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади ва йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиши талаб этилади. **Мурожаат учун тел.:** 99-679-10-57.

Банкрот деб эътироф этилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати:

Т/р	Хўжалик юритувчи субъект номи	СТИР	Ҳал қилув ҚАРОР санаси	Ҳал қилув ҚАРОР рақами
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий суди томонидан				
1	“Shakhrisabz logistics center” MCHJ	304806718	28.10.2021 й.	4-1802-2101/1560
2	“Abidjon-Abdulazizbek” FX	304310362	01.12.2021 й.	4-1802-2101/1612
Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди томонидан				
1	“Chubron ko’rki” MCHJ	300524114	01.11.2021 й.	4-1806-2101/675
2	“Biolog Raxmonov Maxmud” firmasi	301746185	04.11.2021 й.	4-1806-2101/637
3	“Yakkabog‘ ravon trans” MCHJ	305207378	04.11.2021 й.	4-1806-2101/638
Қашқадарё вилояти Чироқчи туманлараро иқтисодий суди томонидан				
1	“Oq oltin imkon” MCHJ	302507552	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1041
2	“Safar Mirzolov” FX	303061849	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1042
3	“Ma’rifatli yo’l” MCHJ	305462276	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1043
4	“Xolboyev Jamshid Jumaboyevich” FX	300870453	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1044
5	“Qiyoqli” FX	201741149	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1045
6	“Abdialimov Fozil” FX	303337090	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1046
7	“Turayev Islom Urozovich” FX	206005949	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1047
8	“Dam-city” MCHJ	307131267	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1048
9	“Rizayev Shohruh” XK	302819124	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1049
10	“Pirnazarov otajon” XK	307009170	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1050
11	“Sardorbek – Ulug‘bek o’g‘li” XK	306852264	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1051
12	“Ibragimov Umrzoq” XK	307025825	02.12.2021 й.	4-1807-2101/1052

Мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсис гувоҳномаси, думалоқ муҳри ва тўртбурчак штамплари эълон чиққан кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса йўқолган деб топилиб бекор қилинади.

Кредиторлар йиғилиши Шаҳрисабз тумани ДСИ биносида 17.01.2022 йил соат 10.00 да, Яккабоғ тумани ДСИ биносида 17.01.2022 йил соат 15.00 да, Чироқчи тумани ДСИ биносида 18.01.2022 йил соат 15.00 бўлиб ўтади. Барча талаблар эълон чиққан кундан эътиборан 1 (бир) ой муддатда Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда қабул қилинади.

Уведомление
о проведении внеочередного общего собрания акционеров

АО «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON»

Уважаемые акционеры!

АО «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» извещает своих акционеров о том, что 11 января 2022 года в 15:00 по адресу: город Ташкент, улица Уста – Ширин, 1-й тупик, 84, состоится внеочередное общее собрание акционеров, созванное в соответствии с решением заседания Наблюдательного совета от 14 декабря 2021 года.

Список акционеров, имеющих право на участие на общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 5 января 2022 года.

Адрес электронной почты и веб сайт: **info@toshkentdd.uz, www.toshkentdd.uz**

Повестка дня:

1. Утверждение регламента внеочередного общего собрания акционеров общества.
2. Заслушивание отчета генерального директора о состоянии дебиторской и кредиторской задолженности общества.
3. О заключении обществом крупных сделок, связанных с реализацией активов общества.
4. О предоставлении в качестве залога недвижимого имущества, принадлежащего АО «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» на правах собственности, по запрашиваемому кредиту ООО «POYTAXT DORI-DARMON»
5. О переизбрании членов Наблюдательного совета общества.

За дополнительной информацией, касающейся повестки дня, просим вас обращаться по адресу: город Ташкент, улица Уста – Ширин, 1-й тупик, 84, а также по тел. +99871 228-04-30.

Регистрация на участие в собрании начнется в 14.00 11 января 2022 года. При регистрации для участия в общем собрании акционер должен иметь при себе паспорт или иной документ, его заменяющий в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

При регистрации для участия в общем собрании представитель акционера должен иметь при себе паспорт и надлежаще оформленную доверенность в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

Акционеры могут ознакомиться с материалами, подлежащими рассмотрению на внеочередном общем собрании акционеров, со дня опубликования настоящего объявления по адресу: город Ташкент, улица Уста – Ширин, 1-й тупик, 84, в рабочие дни с 10:00 до 16:00 до даты проведения общего собрания акционеров.

Примечание: В соответствии со ст. 40, 41 Закона РУз «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», АО «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» уведомляет своих акционеров об их праве требовать выкупа обществом всех или части принадлежащих им акций в случае принятия решения о заключении крупной сделки, если они голосовали против принятия решения о его заключении либо не принимали участия в голосовании по данному вопросу по уважительным причинам.

Список акционеров, имеющих право требовать выкупа обществом принадлежащих им акций, составляется на основании данных реестра акционеров общества, сформированного на 05.01.2022 года.

Цена приобретения обществом акций – 2400 сум.

Письменные требования акционеров о выкупе обществом принадлежащих им акций должны быть предъявлены обществу не позднее тридцати дней со дня принятия соответствующего решения общим собранием акционеров. По истечении указанного срока общество в течение десяти дней обязано выкупить акции у акционеров, предъявивших требования о выкупе. Письменное требование акционера о выкупе принадлежащих ему акций направляется обществу с указанием места жительства (места нахождения) акционера и количества акций, выкупа которых он требует.

Общая сумма средств, направляемых обществом на выкуп акций не может превышать десяти процентов стоимости чистых активов общества на дату принятия решения, которое повлекло возникновение у акционеров права требовать выкупа принадлежащих им акций.

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг 09.12.2021 йилдаги 4-2006-2101/2429-рақамли Жондор туманидаги “Фарход” фермер хўжалиги (202752656), 4-2006-2101/2430-рақамли “Bolta Bunyod Zamini” фермер хўжалиги (303249098), 4-2006-2101/2431-рақамли “Nasillo Bozor” фермер хўжалиги (303279425), 4-2006-2101/2432-рақамли “Sarvarbek Baxriobod” фермер хўжалиги (304666591), 4-2006-2101/2433-рақамли “Fayziev Erkin Egamovich” фермер хўжалиги (300766866), 4-2006-2101/2434-рақамли “Ойбек Хазорманий” фермер хўжалиги (300599694), 4-2006-2101/2435-рақамли “Shoxruxbek Kamronbek Zamini” фермер хўжалиги (302600834), 4-2006-2101/2436-рақамли “Ozoda Umeda Samiya” фермер хўжалиги (303608821), 4-2006-2101/2437-рақамли “Shaxobidin Shuxratovich” фермер хўжалиги (303266995), 4-2006-2101/2438-рақамли “Болтаев Хусниддин Самиевич” фермер хўжалиги (204887945), 4-2006-2101/2439-рақамли “Элмурод Хамид Лукмоний” фермер хўжалиги (300609839), 4-2006-2101/2440-рақамли “O’lmas O’ktam” фермер хўжалиги (303623639), 4-2006-2101/2441-рақамли “Olim Nazar Obid” фермер хўжалиги (303190672)ни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш очилганлиги, тугатиш бошқарувчиси этиб Жумаев Отабек Мамурович тайинланганлиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган бўлиб, 2022 йил 18 январь куни соат 15.00 да, Бухоро вилояти, Жондор тумани, М.Таробий кўчаси, 4-уй манзилида Жондор тумани ДСИ биносида кредиторларининг қуйидаги кун тартибидаги йиғилиши ўтказилади:

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи, кредиторлар реестирини тасдиқлаш, бошқа масалалар.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 1-проезд, 32-уйда танишиб чиқишингиз мумкин.

Тел.: 93-651-69-11.

Кредиторлар йиғилишига соат 14.30 дан рўйхатга олиш бошланади. Мазкур фермер хўжаликларининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи эълон чоп этилган кундан эътиборан 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида тугатиш бошқарувчига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳридаги Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университети бино-иншоотларини реконструкцияси бўйича “Studio Vertebra – Omurga Mimarlik Insaat Restorasyon Ve Planlama San. TIC LTD STI” компанияси (Туркия Республикаси) томонидан ишлаб чиқилаётган бош лойиҳа ҳужжатларини белгиланган қоидаларга мослаштириш (адаптация) учун махсус лицензия 3 категорияга эга бўлган корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

Корхона ва ташкилотларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Лойиҳа ва дизайн топшириқлари;
2. Бош план;
3. Архитектура ечимлари;
4. Конструктив ечимлари;
5. Ёнғин сигнализацияси;
6. Автоматик ёнғинни ўчириш;
7. Сантехника ва оқава сув;
